

## **TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR**

*III son, Fevral*

# **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР, УЛАРНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ**

**Бойсинов Зафар Бойсинович**

*Хуқуқни муҳофаза қилиши академияси магистранти*

*Tel: +998 91 187 00 55*

**Аннотация:** Мақолада коррупцияга қарши курашиши тизимини ташкил қилиши бүйиича халқаро стандартлар, уларнинг асосий талаблари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, тизимлаштирилган ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, конвенция, халқаро стандартлар, ҳуқуқий асослар, пораҳўрлик, ноқонуний даромадларни легаллаштириши.

**Аннотация:** В статье научно-теоретически проанализированы и систематизированы международные стандарты организации системы противодействия коррупции, их основные требования, а также выдвинуты предложения, направленные на совершенствование функционирования системы.

**Ключевые слова:** коррупция, конвенция, международные стандарты, правовая база, взяточничество, отмывание денег.

**Abstract:** The article provides a scientific and theoretical analysis and systematization of international standards for organizing an anti-corruption system, their main requirements, and also puts forward proposals aimed at improving the functioning of the system.

**Key words:** corruption, convention, international standards, legal framework, bribery, money laundering.

Коррупция бутун дунё бўйлаб иқтисодий ўсиш, жамоатчилик ишончи ва бошқарувга путур етказувчи мухим муаммо бўлиб қолмоқда. Бунга жавобан халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши мустаҳкам тизимларни яратиш учун кенг қамровли стандартлар ва асосларни ишлаб чиқишида давом этмоқдалар. Ушбу стандартлар ҳукуматлар, ташкилотлар ва муассасаларга шаффофлик, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик ҳамда давлат хизматида ҳалолликни таъминлашда мухим рол ўйнайди. Қуйида коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил этиш йўналишида Ўзбекистон учун мухим бўлган халқаро стандартлар ва уларнинг асосий тавсияларини тизимли равишда кўриб чиқамиз.

**I. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси.** Халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги энг мухим стандарти БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (United Nations Convention against Corruption) ҳисобланади. Конвенция

Бош

Ассамблеянинг

2003

йил

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

### *III son, Fevral*

31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган. Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 7 июлдаги қонуни асосида ратификация қилинган.

Конвенциянинг асосий талабларини қуидаги тизимлаштишимиз муммкин:

**Профилактик чора-тадбирлар:** коррупцияга қарши мувофиқлик механизmlарини ишга тушириш, шаффофлик ва жавобгарликни таъминлайдиган сиёsatни амалга ошириш.

**Криминаллаштириш:** Коррупция билан боғлиқ фаолиятни, жумладан пора олиш, ўзлаштириш ва пул ювиш каби жиноятлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш.

**Активларни қайта тиклаш:** Коррупцион амалиётлар натижасида олинган активларни кузатиш, музлатиш ва тиклаш механизmlарини яратиш.

**Халқаро ҳамкорлик:** коррупцияни тергов қилиш ва таъқиб қилинда трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш.

**Давлат секторининг яхлитлиги:** хулқ-атвор тартибларини кодекслаштириш, харидларнинг шаффоф тизимлари ва давлат молиясини бошқаришга қаратилган бошқа ислоҳотларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда Конвенциянинг 63-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг бажарилишини кўриб чиқиш механизмининг иккинчи циклида иштирок этмоқда, бунда, хусусан, профилактика чоралари ва активларни қайтариб олишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2021 йил 29 мартағи Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг қарори билан иккита ишчи гурӯҳ ташкил этилди. Коррупциянинг олдини олиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳига Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Бурхонов бошчилик қилиши белгиланди. Активларни ундириш бўйича ишчи гурӯҳига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Йўлдошев бошчилик қилмоқда.

Ушбу Конвенцияни амалга ошириш мақсадида сўнгги йилларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди:

1. 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мұхитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон қарори қабул қилиниб, у билан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 03.01.2017 йилдаги қонун қабул қилинди.

2. Ўтган давр мобайнида юқорида қайд этилган қонунни амалга ошириш ва коррупцияга қарши кураш сиёsatини тизимли амалга ошириш доирасида (*Конвенциянинг 5-моддаси*) 4 та Давлат дастури қабул қилинди:

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

### *III son, Fevral*

a. Коррупцияга қарши курашиш бо‘йича 2017-2018 йилларда 51 та чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Давлат дастури 5 та асосий йўналиш бўйича (02.02.2017 й. ПҚ-2752-сон);

b. 4 та асосий йўналиш бўйича 35 та чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи 2019-2020 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (27.05.2019 й. ПФ-5729-сон)

c. 2021-2022 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат дастурида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида 5 та йўналиш бўйича 44 та чора-тадбирлар кўзда тутилган (06.07.2021 й. ПҚ-6257-сон)

d. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури”да эса 30 та чора-тадбирлар кўзда тутилган

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сон Фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш вазифасини амалга оширади (Конвенциянинг 6-моддаси).

4. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб 37 та лицензия ва 10 та рухсатнома бекор қилинди. Бундан ташқари, 2021 йил 1 январдан 6 та лицензия ва 11 та рухсатнома бирлашиш орқали бекор қилинди.

5. Конвенциянинг 9-моддаси талабларидан келиб чиқиб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон Конуни янги таҳрирда қабул қилинди.

6. 2020 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий этишини давом эттириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. “Йўл харитаси” доирасида сиёсий партияларни молиялаштиришнинг шаффоғлиги (молиявий ҳисобот) тизими таъминланди.

7. Конвенциянинг 10-моддаси талабларидан келиб чиқиб, 2021 йилдан бошлаб ҳар иили декабрь ойида бир қатор давлат органларида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилди ва тегишли идораларда олиб борилаётган ишлар юзасидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ташкил этилди.

8. Конвенциянинг 11-моддасига мувофиқ, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва яхлитлигини таъминлаш, шунингдек, коррупция хавфини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида номзодларнинг профессионал ва психологик портретларини шакллантириш бўйича маҳсус электрон тизим жорий этилди.

9. Конвенциянинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

курашиш кунига бағищланған “Коррупцияга қарши курашиш ҳафталиғи”ни ўтказиш бўйича медиа-режага мувофиқ, ҳар йили 20 ноябридан 9 декабряга қадар бир қатор амалий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

10. Конвенциянинг 13-моддаси 2-бандини бажариш мақсадида Агентлик, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва тегишли идоралар томонидан фуқароларнинг коррупцияга оид мурожаатларини кўриб чиқиши имконини берувчи электрон мобиљ илова ишлаб чиқилди.

**II. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан қабул қилинган стандарт ва тавсиялар.** Коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солишига қаратилған халқаро стандартларнинг кейинги тоифаси бу Европа давлатлари аъзо бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенция ҳисобланади.

Шунга мувофиқ, мазкур ҳужжатлардаги коррупцияга қарши курашиш йўналишида айнан “комплаенс-назорати” тизимини ташкил этувчи асосларни қўйидаги халқаро ҳужжатлар асосида илмий таҳлил қилиб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Улардан биринчиси “Халқаро тижорат битимларида хорижий давлат амалдорларининг порахўрлигига қарши кураш тўғрисида”ги ИХТТнинг конвенцияси (Convention on Combating Bribery of Foreign Public Officials in International Business Transactions) ҳисобланади.

“Конвенция давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олувчи нормалар сифатида бухгалтерия ҳисботини юритиш устидан назорат ва ташқи аудиторлар билан боғлиқ талабларнинг акс этганлиги ва компания ўз фаолиятини ташкил этишда коррупцияга оид ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ички идоравий назорат механизмларини такомиллаштиришнинг қўйидаги тавсифлари белгиланган:

- корпоратив ахлоқ стандартларини (кодекси) ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;
- ташкилот раҳбарияти йиллик ҳисботларида ички назорат механизмлари фаолиятини, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга оид маълумотларни акс эттирилиши;
- компанияларда юқори раҳбариятнинг ноқонуний топшириғи ёки босими остида белгиланган профессионал ва ахлоқ нормаларининг бузилишини истамайдиган шахслар томонидан бу каби коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берилишини таъминловчи тизимларни яратиш ва фаоллаштириш, хабар берувчиларнинг (whistleblowers) ушбу жараёнда ҳукуқларини ҳимоялашнинг аниқ кафолатларини яратиш лозимлигини белгилайди”[1].

ИХТТнинг соҳани такомиллаштиришга қаратилған бир қатор тавсиявий ҳужжатлари ишлаб чиқилған. Бу ўринда айнан “комплаенс-назорат” тизимига оид энг яхши амалиёт ва тажрибаларни ўзида мужассам этган **“Ички назорат, этика ва комплаенс бўйича Йўриқнома”** (Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance) ни улардан бири сифатида келтириш мумкин.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

Йўриқномада “совға ва меҳмондўстликлар (hospitality), турли кўнгилочар дастурлар, ҳомийлик харажатлари, маъмурий харажатлар (facilitation payments) коррупциявий холатлар ҳақида хабар бериш сиёсати каби қоидаларни айнан “комплаенс-назорат” тизимининг асосий тавсифларидан бири сифатида келтириб ўтилади”[2].

Бунда, ташкилот ўз фаолиятида мазкур профилактик тизимни жорий этиш жараёнида айнан ушбу жиҳатларни инобатга олиши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

2011 йилдаги **“Коррупцияга қарши курашнинг глобал принциплари. Йўриқнома”**[3] минтақавий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатда алоҳида **“пораҳўрлик, товламачилик, пора бериш ва олишга қарши курашиш”** номли қоидалар мавжуд бўлиб, унда ташкилот фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга доир қўйидаги жиҳатлар алоҳида кўрсатилади:

1. Давлат хизматчisi ва хусусий сектор вакиллари ўртасида коррупция хавф-хатарларини чеклаш.
2. Пора бериш учун учинчи шахсларнинг кучидан фойдаланишни таъқиқлаш.
3. Маъмурий тўловларни таъқиқлаш ёки энг қуий даражада минималлаштириш.
4. Due diligence – учинчи шахсларнинг ишончли эканлигини баҳолаш.
5. Фаолиятда коррупция хавф-хатарларини олдини олишга қаратилган “комплаенс-назорат” дастурларини ишлаб чиқиши.
6. Фаолият очиқлиги ва жамоатчилик олдидаги мунтазам ҳисобдорликни таъминлаш.

Шу билан бирга, **“ИХТТнинг “Давлат секторидаги корхоналарда корпоратив бошқарув бўйича Йўриқнома”** (OECD (2014) Guidelines on corporate governance of state-owned enterprises)[4]да давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини таъминлаш мақсадида коррупцияга қарши “комплаенс” дастурларини ва одоб-аҳлоқ стандартларини жорий этилиши ҳамиятини кўрсатиб ўтади.

**III. “Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гурухи”** (Partnering Against Corruption Initiative) томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган Коррупцияга қарши курашиш халқаро принциплари (Global Principles for Combating corruption) ҳисобланади. Халқаро ҳужжат дунёнинг йирик иқтисодий салоҳиятидаги Жаҳон иқтисодий форумининг аъзолари, TI вакиллари (Texas Instruments Incorporated is an American technology company) ва Базел бошқарув институти (Basel Institute on Governance)[5] вакилларини ўз ичига олади. “Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гурухи” томонидан 2013 йилда халқаро бозор талабларига мувофиқ ушбу халқаро принциплар (Principles of PACI)[6] қайта кўриб чиқилди.

Бунда фаолияти бизнесга йўналтирилган компаниялар учун “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг 6 та асосий принциплари ҳужжатдан ўрин эгаллади.

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

1. Tone at the top – ташкилот раҳбариятининг коррупцияга нисбатан муросасизлик истагини шахсий намуна асосида жамоага намойиш этиш.
2. Zero tolerance to corruption – коррупция ҳолатлари юзага келишига нисбатан “0 (нол)” даражадаги чидамлилик маданиятини шакллантириш.
3. Transparency – фаолиятнинг очиқ ва шаффоф ташкил этилишини таъминлаш.
4. Compliance – ташкилот фаолиятнинг барча соҳаларида максимал даражада қонунга риоя этилишини таъминлаш.
5. Counterparty - юқори ахлоқий, коррупцияга қарши қурашиш стандартларига риоя этувчи бизнес ҳамкорлар билан муносабатларни йўлга қўйиш.
6. Мунтазам коррупцияга қарши қурашиш ташабbusларини қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш.

Юқорида келтирилган ушбу тамойиллар коррупциянинг оқибати билан эмас, балки уларни келтириб чиқарувчи омилларни, сабабларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган. Масалан, ҳар қандай йўналишда, шу жумладан, коррупциянинг олдини олишни самарали ташкил этишнинг асосий омили бу раҳбариятнинг шахсий намунаси бўлади.

**IV. “Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган “Банклардаги “комплаенс” функция тўғрисида”** (янги таҳрирда)ги (Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision)[7] хужжати ҳисобланади.

Мазкур тавсиялар банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига тааллуқли бўлиб, унда коррупция хавфларини камайтириш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларга қарши қурашиш ва уларнинг фаолиятини ўрнатилган норма ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Базел тавсиялари ўзида коррупция хавфини юридик жиҳатдан ўрнатилган ёки давлат органлари томонидан қўлланадиган молиявий санкция сифатида баҳолайди[8].

Базел тавсиялари ўзида “комплаенс-назорати” хизмати фаолиятини юритиш давомида унинг ваколат доирасига кирувчи масалаларнинг қатор рўйхатини белгилайди: унда қонунлар, ички ўрнатилган қоидалар, хулқ-атвор стандартларига мувофиқ ҳаракат қилиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, мижозларга тенглик асосида муносабат билдириш ҳамда мижозларга кўмак беришда адолатли ёндашувни жорий этиш, фаолият шаффоғлигини жамоатчилик назорати элементлари асосида ташкил этиш, жиноий даромадлар ва терроризмни легаллаштиришга қарши қурашиш, ходимларнинг белгиланган қонун ва қоидаларга риоя этишлари устидан назоратни амалга ошириш каби фаолият йўналишлари белгиланган.

Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган “Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида”ги хужжати тавсияларида банк ва компанияларда комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ва комплаенс хизмати томонидан коррупцияга қарши қурашиш сиёсатини ташкил этишда қўйидаги тавсиялар келтириб ўтилади:

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

а) коррупцияга қарши “комплаенс-назорати” тузилмасининг мақоми, хуқук ва мажбуриятлари, ваколат доирасини аниқ белгилаш ва фаолияти мустақиллигини таъминлашга доир механизмларни яратиш;

б) “комплаенс-назорати” тузилмаси банқдаги бошқа таркибий тармоқлар, масалан, ички аудит хизмати ўртасидаги ички муносабатлар доирасини локал хужжатлар асосида аниқ белгилаш;

с) банкнинг турли бўлимлари томонидан “комплаенс” функцияларини бажариш ҳолатлари белгиланган бўлса, бунда раҳбарият томонидан улар ўртасидаги вазифаларни аниқ ажратиб ўтиш лозим бўлади, функцияларнинг бажарилиши асосан ушбу хизмат фаолияти этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки вазифаларнинг такрорланиши мазкур тузилманинг самарадорлиги ва мустақил фаолиятига таъсир қиласди;

д) “комплаенс-назорати” тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш хуқуқини таъминлаш ва ходимларининг коррупцияга оид маълумотларни тақдим этилишидаги ҳамкорлик қилиш мажбуриятини белгилаб олиш;

е) коррупциявий ҳолатлар юзасидан зарурий хужжатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз ижро органларига эркин тақдим этиш ва ошкор қилиш хуқуқини таъминлаш ҳамда коррупциявий ҳолатлар ҳақида раҳбариятга ҳисбот тақдим этиш;

ф) “комплаенс-назорати” тузилмасининг раҳбариятга бўйсуниш мақомини белигилаш”[9] каби қатор устувор вазифалар тавсия сифатида келтириб ўтилган.

Умуман олганда, Базел қўмитаси томонидан ташкилий шаклидан қатъий назар, барча шаклдаги ташкилот, корхоналар фаолиятида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этишда таклиф этилаётган юқоридаги қоидалар унинг ўзига хослигини ҳам белгилаганлигини қўриш мумкин. Чунки, хужжат ушбу тавсиялар максимал даражада ихтисослашув асосида “комплаенс” тизимини самарали ташкил этишини назарда тутади.

Коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил этишга қаратилган халқаро стандартлар ва тавсиялардан келиб чиқиб, миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги таклифлар илгари сурилади::

– Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда хусусий секторнинг роли ва масъулиятини белгиловчи қоидаларни ўз ичига олган амалдаги қонунчилик нормаларини қайта кўриб чиқш;

– Коррупцияга қарши курашиш жараёнларига ёшларни кенг жалб қилиш;

– Коррупциянинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтларининг мажбуриятлари ва хуқуқларини белгилаб берувчи аниқ меъёрий-хуқуқий хужжатлар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

– UNCAC талабларига мос келадиган ички сиёsat ва тартиблар бўйича нодавлат-нотижорат ташкилотлари учун йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни ахборот-ресурслар билан таъминлаш;

## TA'LIM, TARBIYA VA INNOVATSIYALAR

*III son, Fevral*

- Хусусий сектор ходимлари учун коррупцияга қарши қонунлар, қоидалар ва илгор тажрибалар бўйича ўкув дастурларини ташкил этиш;
- Коррупциянинг олдини олиш ва аниқлаш қобилиятини кучайтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;
- Коррупцион ҳолатлар тўғрисида хабар берувчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш;
- Коррупцияга қарши курашда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш;
- Давлат идоралари ва хусусий ташкилотлар ўртасида ахборот ва илгор тажриба алмашиши мумкин бўлган ташаббуслар, форумлар ёки платформаларни ишлаб чиқиши.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

[1] OECD (2016) Committing to Effective Whistleblower Protection [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/anti-bribery/Committing-to-Effective-Whistleblower-Protection-Highlights.pdf>

[2] Joe Murphy and Donna Boehme “Commentary on the oecd good practice guidance on internal controls, ethics and compliance” – Rutgers Journal of Law & Public Policy, Spring 2012, [Электрон манба]. URL: [https://rutgerspolicyjournal.org/sites/jlpp/files/9-4\\_Murphy\\_RTPv2.pdf](https://rutgerspolicyjournal.org/sites/jlpp/files/9-4_Murphy_RTPv2.pdf)

[3] Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles\\_for\\_Corruption.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles_for_Corruption.pdf)

[4] OECD (2014) Guidelines on corporate governance of state-owned enterprises// [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org>

[5] Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles.pdf)

[6] Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 [Электрон манба]. URL: [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_PACI\\_Global\\_Principles\\_for\\_Countering\\_Corruption.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_PACI_Global_Principles_for_Countering_Corruption.pdf)

[7] Базел қўмитасининг 2005 йил5 апрелдаги қабул қилган “Банклардаги “комплаенс” функция тўғрисида” (янги таҳрирда) Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision [Электрон манба]. URL: <https://www.bis.org/publ/bcbs113.htm>

[8] Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf)

[9] Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство Принципы корпоративного управления для банков [Электрон манба]. URL: [https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel\\_cgpb.pdf](https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf)